

**“IFRS” НОМЛИ  
КОНФЕРЕНЦИЯ**

CONFERENCE “GLOBAL AND NATIONAL ECONOMIC

2nd FORUM OF  
DEVELOPMENT  
STRATEGY:  
GLOBAL AND  
NATIONAL  
ECONOMIC  
TRENDS



TASHKENT STATE  
UNIVERSITY OF ECONOMICS

FERENCE  
RS”

2nd FORUM OF  
DEVELOPMENT  
STRATEGY:  
GLOBAL AND  
NATIONAL  
ECONOMIC  
TRENDS

19-20 ОКТОВЕР ФОРУМ  
PARALLEL CONFERENCE  
“NEW2AN, ICFNDS  
AND ICDSIS”

“ГЛОБАЛ  
ИКТИСОДИЙЁТНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ  
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА  
ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАР  
“Глобал ва миллий  
иктиносидиётни

“NEW2AN, ICFNDS AND ICDSIS”  
CONFERENCE  
“IFRS”

GLOBAL  
ECONOMIC  
STRATEGY:

2nd FORUM OF  
DEVELOPMENT “IFRS”

# РАЗАМЛИ ИКТИСОДИЙОТ VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARI ELEKTRON ILMIY JURNALI MAXSUS SON

## ФОРУМ

19-20 ОКТОВЕР

PARALLEL CONFERENCES  
“NEW2AN, ICFNDS  
AND ICDSIS”

РАЗАМЛИ ИКТИСОДИЙОТ  
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
ВА ТАЛЬИМНИНГ  
ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎН  
“NEW2AN, ICFNDS,  
НОМЛИ ПАРАЛЛЕЛЬ  
КОНФЕРЕНЦИЯЛАР

- Macroeconomic Stability
- Social Welfare
- Human Capital
- Decent Employment
- World Economy
- Gender Equality
- Industry 4.0
- Sustainable Agriculture



**РАҚАМЛИ ИҚТISODIЁТ ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**  
**DIGITAL ECONOMY AND INFORMATION TECHNOLOGY**  
**ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА И ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ**

Электрон илмий журнал | Electronic scientific journal

**МУАССИС | FOUNDER**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
Tashkent State University of Economics

**ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ | CHAIRMAN OF THE EDITORIAL BOARD**

Шарипов Конгратбой Аvezimbetovich — т.ф.д., профессор  
Sharipov Kongratboy Avezimbetovich — doctor of technical sciences, professor

**БОШ МУҲАРРИР | EDITOR-IN-CHIEF**

Абдуллаев Мунис Курбонович – и.ф.ф.д. (PhD), доцент  
Abdullahayev Munis Kurbonovich – PhD, docent

**БОШ МУҲАРРИР ЎРИНБОСАРИ | DEPUTY CHIEF EDITOR**

Вафоев Бобуржон Расулович – и.ф.н., доцент  
Vafoev Boburjon Rasulovich – PhD, docent

**МАСЪУЛ КОТИБ | EXECUTIVE SECRETARY**

Л.А. Аблазов | L.A. Ablazov

**ВЕБ-АДМИНИСТРАТОР | WEBMASTERS:**

Н.Я. Нурсайдов, А.Ш. Махмудов | N.Ya. Nursaidov, A.Sh. Makhmudov

**ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ | EDITORIAL BOARD**

- |  |                                      |
|--|--------------------------------------|
| С.С. Гулямов – и.ф.д., академик.       | PhD. Беҳзод Саидов (АҚШ).            |
| Б.А. Бегалов – и.ф.д., профессор.      | PhD. Умид Ахмедов (Дания Қироллиги). |
| М.П. Эшов – и.ф.д., профессор.         | А.А. Исмаилов – и.ф.д., профессор.   |
| О.Қ. Абдурахмонов – и.ф.д., доцент.    | И.Е. Жуковская – и.ф.д., профессор.  |
| К.Б. Ахмеджанов – и.ф.д., профессор.   | Т.С. Қўчқоров – и.ф.д., профессор.   |
| И.М. Алимарданов – и.ф.д., доцент.     | Р.А. Дадабаева – и.ф.н., доцент.     |
| Р. Салиходжаев – и.ф.б.ф.д. (PhD).     | Ш.И. Хашимходжаев – и.ф.н., доцент.  |
| Проф. Холназар Амонов (Чехия).         | А.А. Абидов – т.ф.н., доцент.        |
| Проф. Карина Татек Банетти (Чехия).    | И.М. Абдуллаева – и.ф.н., доцент.    |
| Проф. О. Абдураззаков (Германия).      | Н.Б. Абдусаломова – и.ф.д., доцент.  |
| Проф. Эко Шри Маргianti (Индонезия).   | Ш.С. Эгамбердиев – и.ф.б.ф.д. (PhD). |
| Проф. Д.М. Назаров (Россия).           | Р.Х. Алимов – и.ф.д., профессор.     |
| Проф. Н.М. Сурнина (Россия).           | А.У. Қобилов – и.ф.н., доцент.       |
| Проф. Марк Розенбаум (АҚШ).            | Р.Х. Насимов – т.ф.б.ф.д. (PhD).     |
| PhD. Абдул-Рашид (Афғонистон).         | С.С. Қулматова – и.ф.б.ф.д. (PhD).   |
| PhD. Аҳмед Моҳамед Азиз Исмоил (Миср). |                                      |

МУНДАРИЖА:

<b>Шарипов К.А., Ишназаров А.И.</b>	<b>ИКТИСОДИЙ ЎСИШГА ИНВЕСТИЦИЯ ОҚИМЛАРИ ТАЪСИРИНИ ЭКОНОМЕТРИК ТАДҚИҚ ҚИЛИШ . . . . .</b>	<b>6</b>
<b>Eshov M.P., Nasirkhodjaeva D.S.</b>	<b>IMPACT OF THE DEVELOPMENT DIGITAL ECONOMY ON THE SOCIO-ECONOMIC DEVELOPMENT OF THE COUNTRY . . . . .</b>	<b>14</b>
<b>Abdurahmanova G.Q., Mirzaliyev S.M.</b>	<b>OLIY TA'LIM TRANSFORMATSIYASINING TASHKILY-IQTISODIY MEXANIZMLARI . . . . .</b>	<b>25</b>
<b>Гулямов С.С., Шермухамедов А.Т.</b>	<b>ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ . . . . .</b>	<b>28</b>
<b>Abdullahayev M.K., Qulmatova S.S.</b>	<b>LOYIHALASH JARAYONLARIDA AXBOROT-KOMMUNIKATSİYA TEXNOLOGİYALARIDAN FOYDALANISHDA DİZAYN MUAMMOLARI . . . . .</b>	<b>34</b>
<b>Абидов А.А.</b>	<b>ДИАГНОСТИРОВАНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ СИСТЕМЫ В УСЛОВИЯХ ВОЗМУЩАЮЩЕГО ВОЗДЕЙСТВИЯ СРЕДЫ . . . . .</b>	<b>40</b>
<b>Юлдашев А.А.</b>	<b>ЛОГИСТИКА СОҲАСИДА БЛОКЧЕЙН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ САМАРАДОРЛИГИ . . . . .</b>	<b>47</b>
<b>Yakubova Sh.Sh.</b>	<b>DIGITAL DEVELOPMENT AND THE NATURE OF DIGITAL ASSETS</b>	<b>56</b>
<b>Ergashxodjayeva Sh.Dj.</b>	<b>RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA XARIDORLAR MA’LUMOTLARI MAXFIYLIGINI TA’MINLASH: MUAMMOLAR VA YECHIMLAR . . . . .</b>	<b>64</b>
<b>Xashimxodjayev Sh.I., Zhukovskaya I.E.</b>	<b>DIGITAL TECHNOLOGIES ARE A STRONG BASIS FOR THE SOCIO-ECONOMIC DEVELOPMENT OF THE COUNTRY . . . . .</b>	<b>72</b>
<b>Амридинова Д.Т., Курбанова С.А.</b>	<b>ЦИФРОВАЯ ЭКАНОМИКА И ОНЛАЙН ОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ . . . . .</b>	<b>79</b>
<b>Fayziyeva Kh., Tursunov Kh., Khidirova M., Kulmanov T., Zikriyoev A.</b>	<b>GROWING UP IN A CONNECTED WORLD: INTERNET USAGE DYNAMIC IS DIGITAL AGE OR HUMAN CAPITAL DEVELOPMENT? . . . . .</b>	<b>88</b>
<b>Fayziyeva M.X.</b>	<b>TIJORAT BANKLARI TAKLIF ETGAN RAQAMLI TEXNOLOGİYALARDAN FOYDALANISHNI BAHOLASH . . . . .</b>	<b>104</b>
<b>Qobilov A.O., Abdulaxatov M.M., Rajabov Sh.B., Zokirov S.Z.</b>	<b>ASSOTSIATIV QOIDALAR VA BOZOR SAVATLARINING TAHLILI . . . . .</b>	<b>115</b>
<b>Ризакулов Ш.Ш.</b>	<b>БЛОКЧЕЙН ТЕХНОЛОГИИ В ЭКОНОМИКЕ: НА ПРИМЕРЕ ЭЛЕКТРОННОГО ПРАВИТЕЛЬСТВО . . . . .</b>	<b>121</b>
<b>Назарова Р.Р., Нигматуллаева Г.Н.</b>	<b>СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ ЭЛЕКТРОЭНЕРГЕТИЧЕСКОЙ ОТРАСЛИ УЗБЕКИСТАНА . . . . .</b>	<b>126</b>
<b>Meyliev O.R., Gofurova K.X.</b>	<b>THE ROLE OF ELECTRONIC COMMERCE IN THE DIGITAL ECONOMY . . . . .</b>	<b>132</b>

<b>Ma'murov B.X.</b>	RAQAMLASHTIRISH SHAROITIDA HUDUDLAR IQTISODIYOTI TARKIBIY TUZILMASINI TAKOMILLASHTIRISHNING MOHIYATI VA UNING OMILLARI .....	142
<b>Гаппов Ж.Б.</b>	ВЛИЯНИЕ ЦИФРОВИЗАЦИИ ПЛАТЕЖНЫХ СИСТЕМ НА ПРИБЫЛЬНОСТЬ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ .....	150
<b>Maxmudov S.B.</b>	MILLIY IQTISODIYOTDA EKSPORT AMALIYOTIGA TA'SIR ETUVCHI OMILLARNI EKONOMETRIK TAHLILINI BAHOLASH ...	160
<b>Nursaidov N.Y., Vafoev B.R.</b>	PROBLEM OF LIMITED ACCESS TO THE INTERNET IN MOBILE LEARNING .....	172
<b>Хидирова Б.И.</b>	РАҶАМЛИ ИҚТISODIЁТНИ ШАКЛАНТИРИШГА НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР .....	179
<b>Xalilova N.K.</b>	O'ZBEKİSTON SHAROITIDA XARİDORLARNI BOSHQARISH JARAYONLARINI RAQAMLASHTIRISH ISTIQBOLLARI .....	187
<b>Рахматова Ш.О.</b>	РАҶАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ШАРОИТИДА БИЗНЕСНИНГ ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТИНИ БАҲОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	196
<b>Axmedova S.I.</b>	RAQAMLI IQTISODIYOTDA SANOAT KORXONALARINING ISHLAB CHIQARISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH BO'YICHA XORIJY MAMLAKATLAR TAJRIBASI .....	203
<b>Мирзарахимова А.Б.</b>	СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ РАҶАМЛАШТИРИШДА ЭЛЕКТРОН ТИББИЙ ЁЗУВЛАРНИНГ РОЛИ .....	209
<b>Abdurakhmonov A.A.</b>	O'ZBEKİSTONDA RAQAMLASHTIRISH TENDENSIYALARI VA UNDAGI MAVJUD MUAMMOLAR .....	215
<b>Abduraxmanova Z.T.</b>	O'ZBEKİSTONDA OZIQ-OVQAT MAHSULOTLARI ISHLAB CHIQARISHNI RIVOJLANТИRISHDA RAQAMLI TRANSFORMATSIYALARNING O'RNI .....	223
<b>Mustafakulov O'.U.</b>	STATISTIKA TIZIMIDAGI RAQAMLI PLATFORMALARINI BAHOLASH VA ULARNI TANLASH .....	232
<b>Tal'atova D.B.</b>	RAQAMLI TENGSIZLIKNI BARQARORLASHTIRISHNING IQTISODIY O'SISHDAGI O'RNI .....	238
<b>Nabiyeva F.O.</b>	RAQAMLI BANKING: QIYINCHILIKLAR, RIVOJLANAYOTGAN TEXNOLOGIYA TENDENSIYALARI VA KELAJAKDAGI TADQIQOTLAR .....	244
<b>Yax'yayev O.Y.</b>	"JUST IN TIME" XALQARO MENEJMENT MODELI, O'RGANILISHI, AMALIYOTI, RIVOJLANGAN DAVLATLAR TAJRIBASI .....	254
<b>Yuldashev I.S., Ro'ziev N.I.</b>	RAHBARNING BOSHQARUV KOMPETENTLIGINI SHAKLLANTIRISH MEXANIZMLARINI O'RGANISHNING KONSEPTUAL ASOSLARI .....	260
<b>Тўраева Н.О.</b>	КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИДА РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ .....	265
<b>Muzaffarova D.M.</b>	TASHKILOTNING FUNKSIONAL OPERATSIYALARINI RAQAMLI TRANSFORMATSIYA QILISH YO'LLARI .....	275

Rustamova M.M.	KOTLIN TILIDA YARATILGAN XIZMAT SIFATINI BAHOLOVCHI “SAFE MOBILE” ILOVASI .....	285
Zikirullaeva N.	THE ROLE OF GOVERNMENT POLICIES IN ATTRACTING DIRECT FOREIGN INVESTMENTS .....	294
Anvarova M.M.	RAQAMLI TRANSFORMATSIYA JARAYONINING KICHIK VA O’RTA BIZNES KORXONALARIGA ASOSIY TA’SIRI .....	305
Parpieva R.A., Norboyeva N.E., Anvarova M.M.	IMPROVING MEDIA LITERACY USING DIGITAL TECHNOLOGIES IN PROFESSIONAL EDUCATION .....	311

**РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА АҲБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**  
**DIGITAL ECONOMY AND INFORMATION TECHNOLOGY**  
**ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА И ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ**

**ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ ЖУРНАЛ**

Мазкур электрон илмий журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 декабрдаги “Оммавий ахборот ва коммуникациялар соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айrim маъмурӣ регламентларини тасдиқлаш тӯғрисида”ги 1017-сонли қарорида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Тошкент давлат иқтисодиёт университети томонидан 2021 йил март ойида таъсис этилган ҳамда халқаро интернет тармоғига жойлаштирилган.

This electronic scientific journal was established by the Tashkent State University of Economics in March 2021, based on the tasks defined in the decision of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated December 19, 2019 No. 1017 «On approval of some administrative regulations for the provision of public services in the field of public information and communications» posted on the internet.

Нашр қилинаётган “Рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари” электрон, илмий журнали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 31 январдаги 332/6-сон қарори билан Иқтисодиёт фанлари бўйича “Фан доктори” илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари, илмий натижалари юзасидан илмий мақолалар эълон қилиниши лозим бўлган Республика илмий журналлари рўйхатига киритилган.

The electronic scientific journal “Digital economy and information technologies” published by the decision of the Higher Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated January 31, 2023 No. 332/6 announces scientific articles on the scientific results of dissertations of candidates for the degree of Doctor of Science in «Economic Sciences» included in the list of republican scientific journals that should be published.

**Журналнинг интернет ахборот тармоғидаги манзили:**

<https://dgeconomy.tsue.uz/jurnal>

**The address of the journal on the internet:**

<https://dgeconomy.tsue.uz/jurnal>

## КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Тўраева Нафиса Одиловна

ТДИУ ўқитувчиси

**Аннотация.** Ушбу тадқиқотнинг мақсади кичик бизнес субъектларида рақамли технологиялардан фойдаланиши таъминлаш ҳамда рақамли иқтисодиётни шакллантиришининг тамойилларини ишлаб чиқиши усулларини ўрганишдан иборат. Бунда мамлакатларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишида иқтисодиётни рақамлаштириш муҳим аҳамият касб этиши ёритилган, шунингдек, кичик бизнес субъектларинг рақамли технологиялардан фойдаланиши ривожлантириш юзасидан илмий-назарий қарашлар, кичик бизнес субъектларинг рақамли технологиялардан фойдаланиш ҳамда уларнинг таҳлили юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар.** кичик бизнес, бошқарув, анъанавий иқтисодиёт, рақамли технологиялар, янги иқтисодиёт, рақамлаштириш, кичик бизнес реабилитацияси.

### Кириш:

Бугунги кунда дунё бозорининг глобаллашув жараёнида масофавий хизмат кўрсатиш ва онлайн савдолар жадал ривожланиб бориши натижасида мижозлар учун мазкур хизматлардан ер юзини исталган нуқтасидан туриб эркин фойдаланиш имконияти туғилмоқда. Ҳозирда «5,19 миллиард киши интернетдан фойдаланмоқда, бу бутун дунё аҳолисининг 64,5 фоизига тенгdir. Глобал миқёсда интернет фойдаланувчилари сони йилига 2,1 фоизга ўсиб бормоқда, бироқ кўплаб ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида йилдан-йилга ўсиш анча юқори. Ўртача глобал интернет фойдаланувчиси ҳар куни 6 соат 40 дақиқани онлайн режимда ўтказмоқда» [1]. Бундай ҳолатлардан келиб чиқиб кичик бизнес субъектлари ўз фаолиятларини рақамли трансформация қилиши талаб этилади ва мижозлар талаби ва рақобатчилар билан тенг бўлиш заруратини туғдиради. Умуман олганда, рақамли трансформациялашда технологиялардан фойдаланиш кичик бизнес субъектларини ўзгарувчан бозорларга жавоб бериш ва инновацияларни кучайтиришда янада тезкор бўлишига ёрдам беради ва шу билан уларни янада барқарорлаштиради. «2022 йилда рақамли трансформацияга сарфланадиган харажатлар 1,6 триллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса 2026 йилга бориб, рақамли трансформация учун глобал харажатлар 3,4 триллион АҚШ долларига этиши кутилмоқда» [2]. Бироқ, кўпгина кичик бизнес субъектларида бу ўтишни яхши режалаштириш учун зарур бўлган вақт, маблағлар, тўғри рақамли тизимларни танлаш, рақамли кўникумаларни ошириш, тўғри ҳимоя ва хавфсизликни ривожлантириш ҳамда ушбу янги воситаларнинг имкониятларини тўлиқ мослаштириш ва тушуниш имкониятига етарли даражада эга эмас. Кичик бизнес субъектларида замонавий ва рақамли технологияларни жорий этиш ва улардан фойдаланиш ҳанузгача муаммо бўлиб қолмоқда.

## **Тадқиқот методологияси:**

Ушбу мақолани тайёрлашда меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар, фойдаланилган адабиётлар ва интернет маълумотлари расмийлиги, ундаги иқтисодчи олимларнинг мавзуга оид илмий-назарий қарашларининг қиёсий ва танқидий таҳлили, илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш натижаларига ҳамда таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилингандиги билан белгиланди. Мавзуни ўрганиш давомида умумиқтисодий усувлар билан бир қаторда тизимли таҳлил, умумлаштириш, абстракт-мантиқий фикрлаш, статистик усувлар, корреляцион-регрессион ва эмпирик таҳлил каби усувларидан фойдаланилган.

## **Натижалар:**

Жаҳонда рақамли технологиялар компанияларга, айниқса кичик бизнес субъектларининг янги бозорларга чиқиш учун мисли кўрилмаган имкониятларни тақдим этмоқда, бу уларга минтақавий ва глобал рақамли таъминот занжирларида иштирок этишни янада жадаллаштируммоқда. Бу борада ҳар бир рақамли технология амалга оширилгандан сўнг, унинг самарадорлигини таҳлил қилиш ва корхонага қўшимча фойда келтириши ёки бюджетга зарар етказмаслиги юзасидан илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, иқтисодиётни рақамлаштириш ҳамда кичик бизнес субъектлари фаолиятида CRM (Customer Relationship Management), ERP (Enterprise Resource Planning), MES (Manufacturing Execution System), PLM (Product Life-cycle Management), MDM (Master Data Management), ERM (Enterprise Risk Management) каби рақамли технологияларни қўллаш билан боғлиқ муаммоларга ҳамда уларни бартараф этишга илмий тадқиқотларда алоҳида эътибор қаратилмоқда.

*Ўзбекистонда рақамли технологияларни ривожлантиришга давлатсиёсати даражасида аҳамият берилиб “рақамли технологиялар” тизимини тубдан янгича турларини ишлаб чиқиши юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Бу борада, Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси Давлат дастурида: «... кичик ва ўрта бизнес корхоналари ўртасида бевосита иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш ҳамда ягона электрон базани яратиш ва унинг қўшимча модулларини ишлаб чиқиши бўйича бизнес жараёнларни ўрганиш, техник топшириқларни ишлаб чиқиши...» [3] каби вазифалар белгилаб берилган. Шунингдек, «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясида ... “IT-парк асосида илғор технологиялардан (Big Data, IoT, AI блокчейн ва бошқалар) фойдаланган ҳолда устувор тармоқлар учун «ақлии ечимлар» ни ишлаб чиқиши рағбатлантириш ва бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича «Бизнес-навигатор» электрон порталини жорий этиш каби вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг амалга оширилиши миллий иқтисодиётда кичик бизнес субъектлари фаолиятида рақамли технологияларни қўллаш ва ишлаш механизмини янада тақомиллаштиришини тақозо этади. Шу сабали кичик бизнес субъектлари фаолиятида рақамли технологияларни қўллаш орқали ривожлантиришини қўллаб-қувватлаш масалалари кўп жиҳатдан илмий ёндашувларни ишлаб чиқиши тақозо этмоқда.*

## **Таҳлил:**

Узоқ вақт давомида рақамли технологияларнинг жорий этилиши кескин ўзгаришларга олиб келди, иқтисодиёт ва умуман жамият ривожланишининг

траекториясини белгилаб берди. Кичик бизнес субъектлари фаолиятида рақамли тенологияларни шакллантириш аксарият мамлакатлар учун устувор вазифалардан биридир. Сүнгги йилларда таъсир кўлами ва чуқурлиги туфайли рақамли технологияларнинг янги авлодини яратиш натижасида бизнес ва ижтимоий фаолият моделларини ўзгартириш тўлқинида кўтарилиш кузатилди. Бундай технологияларга сунъий интеллеккт, робототехника, симсиз алоқа технологиялари ва бошқалар киради.

Олимларнинг фикрига кўра, кичик бизнес субъектлари фаолиятида рақамли тенологияларни жорий этиш меҳнат унумдорлигини 40 фоизга ошириши мумкин. Яқин келажакда янги рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш алоҳида корхоналар ва умуман мамлакатларнинг халқаро рақобатбардошлик даражасини белгилайди, шунингдек рақамлаштириш учун инфратузилма ва ҳуқуқий муҳитни (рақамли ҳуқуқ) шакллантиради.

Шубҳасиз, кўплаб ривожланган мамлакатларда, шу жумладан мамлакатимизда рақамли технологияларни яратиш ва жорий этиш вектори яқинда давлат ва корпоратив даражада миллий ривожланишнинг асосий йўналиши мақомини олди. Иқтисодиётни рақамлаштиришнинг ҳозирги босқичи тубдан янги технологик ва ташкилий, бошқарув таҳдидларини келтириб чиқаради, назарий асосни яратишни, янги асосий тушунчалар таърифларининг концептуал ва категорик технологиялари ҳамда операцион тизимларини шакллантиришни, шунингдек қонунчиликнинг тўлиқ меъёрий-ҳуқуқий базаси ва механизмларини шакллантиришни талаб қиласди.

«Рақамли иқтисодиёт ва „рақамли пул“ тушунчалари биринчи марта 25 йил олдин АҚШнинг Массачусетс технология институти профессори Николас Негропонте томонидан киритилган» [4]. Бироқ, унинг концептуал дизайнни учун муҳим тўсиқ яратишга ҳисса қўшадиган аниқ таъриф ҳали ҳам мавжуд эмас.

Жаҳон банки гурӯҳи Президенти Жим Ёнг Кимнинг сўзларига кўра, «инсоният ҳозирда ахборот-коммуникация инқилобини бошдан кечирмоқда. Унинг фикрича, мобил телефонга эга бўлган энг камбағал уй хўжаликлири сони қулай яшаш шароитлари ёки ичимлик суви билан таъминланганларга қараганда кўпроқ» [5] деб келтиради.

Чет эллик иқтисодчи олим П.Кирилловнинг қарашларича «рақамли иқтисодиёт фан ва техника тараққиётининг оқибатларидан бири сифатида товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳамда тарқатишни рақамли интернет технологиялари муҳитига ўтказишни назарда тутади» [6].

В.А.Уткина, Е.В.Емшановаларнинг фикрича «рақамли технологиялар-ни ривожлантиришнинг янги босқичида асосий хавф ва таҳдидлардан бири бу компаниялар, ижтимоий-иқтисодий тизимлар, ижтимоий платформалар ва одамлар ўртасидаги муносабатларнинг миқдори, сифати ва хилма-хиллигининг сезиларли ўсишидир» [7]. Ушбу ўсиш транзакциялар сони ва маълумотлар ҳажмининг экспонент динамикаси билан бирга келади, бу эса иқтисодий ва ижтимоий имкониятларнинг янада мураккаб интеграциясига олиб келади, унинг оқибатларини инсоният ҳали баҳоламаган. Ушбу жиддий оқибатлар ва ўзгаришлар жамиятдан ҳар бир шахсдан янги ваколатлар, қобилият ва кўникмаларни, шунингдек, қундалик ҳаёт феноменида янги технологиялардан фойдаланишга мослашишни талаб қиласди. Бугунги кунда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий ҳаётидаги глобал тенденцияларга

жавоб берадиган таълим дастурларини шакллантириш, шунингдек, юқоридаражадаги “рақамли саводхонлик”ни таъминлайдиган индивидуал таълим траекторияларини шахсийлаштириш жараёнлари алоҳида аҳамиятга эга.

Хусусан, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуслари билан 2022 йил 28 январ куни қабул қилинган «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида» [8] ги ПФ-60-сонли фармонида «миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасидаташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш» [9] вазифаси белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш орқали **хусусий секторнинг ЯИМдаги улушкини 80 фоизга ва экспортдаги улушкини 60 фоизга етказиш имконини беради. Кичик бизнес субъектларининг жадал ривожланишида фаолиятга рақамли технологияларни кенг жорий этиб бориш ҳам муҳим ҳисобланади.** Ваҳоланки, жаҳон иқтисодиётидаги рақобатлашув жараёнларининг кескинлашуви кичик бизнес субъектлари фаолиятида замонавий рақамли технологияларни жорий этилиши долзарб масала эканлигидан далолат беради. Бугун рақамли технологиялар барча соҳаларга ва инсонлар ҳаётига жадал кириб бормоқда. Мамлакатимизда ҳам рақамли иқтисодиётни ривожлантириш энг муҳим вазифага айланган. Президентимизнинг 2020-йил 28-апрелдаги «Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» [10] ги қарорида «2023-йилга бориб рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушкини 2 баравар, ушбу соҳадаги хизматлар ҳажмини 3 баравар ошириш, улар экспортини 100 миллион АҚШ долларига етказиш» [11] вазифаси қўйилган.

Шунингдек, «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш Давлат дастурида: “Рақамли иқтисодиёт ишлаб чиқаришнинг асосий омили рақамли маълумотлар, катта ҳажмларни қайта ишлаш ва таҳлил натижаларини қўллаган ҳолда, анъанавий бошқарув шакллари билан таққослаганда, турли хил ишлаб чиқариш, технологиялар, ускуналар, сақлаш, сотиш, товар ва хизматларни етказиб бериш самарадорлигини сезиларли даражада ошириши мумкин» [12] деган фикр билдирилган.

Шубҳасиз, рақамли иқтисодиёт – келажак. Миллий иқтисодиёт рақобат-бардошлиги кўп жиҳатдан рақамли иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган Саноат 4.0 инқилобига мослашиш, рақамли технологияларни иқтисодиётнинг барча соҳаларига, хусусан кичик бизнес субъектлари фаолиятига жорий этишини қанчалик қисқа фурсатда ҳал этишимизга чамбарчас боғлиқ. Кичик бизнес субъектлари фаолиятига рақамли технологияларни самарали ташкил этиш рақамли технологиялар соҳасида етарли компетенцияларга эга бўлган етук кадрларга бориб тақалади. Бу борада ҳам тизимли тадбирлар йўлга қўйилганлигини таъкидлаш зарур.

Кичик бизнес субъектлари фаолиятини рақамлаштиришнинг тезроқ кириб келишини хоҳласак, рақамлаштириш таъсирида турмушимизда турли қулайликлар пайдо бўлсин, десак, рақамлаштириш татбиғида, албатта, тизимли ёндашув лозим. Кичик бизнес субъектлари фаолиятига ўн йилдан бўён электрон ҳукумат тизимини киритишга интилиб келамиз. Давлатимиз томонидан амалга оширилаётган рақамлаштиришга оид дастурлар халқимиз, қолаверса, тадбиркорларимиз хоҳиш-

истакларини түғри англаш имконини беради. Табиийки, ушбу дастурларни янада кенгайтириш, такомиллаштириш керак. Бироқ айрим муаммолар борки, уларнинг ечимини қисқа фурсатда топиш талаб этилади.

Биринчидан, рақамлаштириш бу “маълумотлар омбори”дир, маълумотлар жуда катта ҳажмдан иборат. Иккинчидан, бизда “улкан маълумотлар” оқимини бошқариш, сақлаш ва қайта ишлаш турли платформаларни кенгайтириш мұхим. Учинчидан, эса мазкур дастурлар ижросини таъминлашда амалга ошириш механизмлари ҳамда молиялаштириш манбалари күрсатилган бўлса-да, мониторинг жараёнида жамоатчилик назоратини кучайтирилиши мұхим, деб ҳисоблаймиз.

Рақамли технологиялар бир неча сабабларга кўра кичик бизнесни тиклашга ёрдам беради. Биринчидан, мобил қурилмаларнинг жорий етилиши туфайли одамлар учун рақамлаштиришдан фойдаланиш осонлашди. «Рақамли технологияларга ўтиш фақат келгуси йилларда тезлашади, чунки дунёда мобил қурилмалардан фойдаланувчилар сони 2021-йилда 6,38 миллиарддан 2026-йилда 7,52 миллиардга кўпайиши кутилмоқда» [13].

Иккинчидан, одамлар харид қилиш усули йиллар давомида ўзгарди. Мунтазам дўконлар ҳар доим рол ўйнайди, аммо харидларнинг келажаги тобора кўпроқ онлайн савдодан орқада қолмоқда.

Июн ойида «Morgan Stanley global електрон тижорат бозори бугунги кунда \$3.3 трлн. дан \$5.4 трлн. га 2026 да ўсишини таҳмин қилди, бу тўрт йил ичida 60% дан» [14] ошади.


Кичик бизнес учун рақамлаштиришнинг афзаллilikлари жуда каттадир. Кучли рақамли стратегияга эга бўлган корхоналар инқирозни енгиш учун яхшироқ тайёрланган ва диверсификация қилинган, чунки уларнинг онлайн каналлари дўкон ичидағи харидларнинг йўқолишини юмшатган. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) маълумотларига кўра, ўзларининг рақамли келажагига сармоя киритган корхоналар бир қатор бошқа узоқ муддатли имтиёзларга эга бўлишмоқда, жумладан, алоқаларни яхшилаш ва жаҳон бозорларига киришни яхшилаш кабилардир.

Кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг ҳуқуқий асоси сифатида Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида» [15] ги Қонунининг 8-моддасига асосан «кредитлар олишга, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини ҳамда ўзга мол-мulkини шартнома шартлари асосида жалб этишга, шу жумладан биноларни, иншоотларни, ускуналарни ва ўзга мол-мulkни олишга ва (ёки) текин, ижарага (лизингга) олишга ҳамда уларни тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга йўналтириш» [16] ҳуқуқларига эга эканлиги белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 5-октябрдаги «Рақамли ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора- тадбирлари тўғрисида» [17] ги ПФ-6079 сонли Фармонида «Кичик бизнес ва кам таъминланган аҳолига ҳуқуқий маслаҳат бериш, уларнинг таклиф ва ташабbusларини қабул қилишнинг янги тизимини жорий этиш, адвокатлар иштирокисиз ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш имкониятини яратиш мақсадида, ўз-ўзига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш “Legal Tech” ахборот тизимини жорий этиш». «Тижорат

банкларининг кредитлари бўйича кафиллик ва кафолатлар, шунингдек, фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация бериш тўғрисида электрон шартномалар тузиш, реал вақт режимида кредит буюртмаларини кўриб чиқиш ва уларнинг ижроси ҳолатини кузатиш кабиларни назарда тутувчи “Тадбиркор” ахборот тизимини жорий этиш [18]» белгилаб берилган.

Мамлакатимизда «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясига мувофиқ иқтисодиёттармоқлари ва ҳудудларини рақамлаштириш, давлат ахборот тизимлари ва электрон хизматларни жорий этиш, шунингдек, рақамли технологиялардан кенг фойдаланишни таъминлаш бўйича халқ таълими, давлат хизматлари, суд, молия ва банк тизимида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2021-йил 15-июндаги «Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматнинг ривожланиш ҳолатини рейтинг баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 373-сонли Қарорига кўра «ташкилотларда рақамли трансформация ҳолатини рейтинг баҳолаш қўйидаги йўналишлардаги асосий индекслари» ишлаб чиқилди.



1-расм. Ташкилотларда рақамли трансформация ҳолатини  
рейтинг баҳолашнинг асосий индекслари<sup>104</sup>

Юқорида келтирилган индексларга асосан «ҳудудларда рақамли иқтисодиёт ҳолатининг рейтинги алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари, меҳнатга лаёқатли аҳоли қатламида иш билан таъминланганлик даражаси ва бошқа йўналишлардаги индикаторларни ҳисоблаш асосида аниқланади. Рейтинг баҳолаш индекслари, баҳолаш тартиби ҳамда баҳоларни ҳисоблаш услублари ташкилотларда рақамли трансформация ва ҳудудларда рақамли иқтисодиётни рейтинг баҳолаш методикалирида батафсил тавсифланади».

Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш самарадорлиги даражаси аниқланган индикаторларнинг миқдорига қараб, 0 баллдан 100 баллгача рейтингда баҳоланади ҳамда «қизил», «сариқ» ва «яшил» тоифаларга ажратилади.

Индикаторларни рейтинг баҳолаш натижаларига мувофиқ ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш самарадорлиги даражаси рейтинг балли бўйича:

<sup>104</sup> Муаллиф ишланмаси

- 71 баллдан 100 баллгача баҳоланган ташкилот - «яшил»;
- 55 баллдан 71 баллгача баҳоланган ташкилот - «сариқ»;
- 55 баллдан паст баҳоланган ташкилот - «қизил» деб топилади.

**Рейтинг баҳолаш натижалари бўйича тегишли ташкилотда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш самарадорлиги даражасига кўра Рақамлитехнологияларвазирлигининг тақлифига асосан «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссияси баёни билан:**

- ҳисобот йилида «яшил» деб топилган ташкилотлар раҳбарлари ва уларнинг рақамлаштириш бўйича ўринбосарлари кейинги ҳисобот даври учун рейтинг баҳолаш натижалари эълон қилингунига қадар ҳар ойда лавозим маошларининг 30 фоизи миқдорида рағбатлантирилади;

**1-жадвал**

### **Ҳудудларда рақамли иқтисодиёт даражасини рейтинг баҳолашни амалга ошириш йўналишлари [22]**

Босқичлар	Масъуллар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Рақамли технологиялар вазирлиги	Ҳудудларда рақамли иқтисодиёт даражаси бўйича статистик ва таҳлилий маълумотларни NIS.UZ-ахборот тизимига киритади.	Ҳисобот даври якуни бўйича кейинги ойнинг 15-санасига қадар
2-босқич	Рақамли технологиялар вазирлиги	NIS.UZ-ахборот тизимига киритилган маълумотлар асосида рейтинг баҳолашни амалга оширади ва ҳудудларни рейтинг баҳолаш якунлари асосида рейтингни шакллантiradi.	Ҳисобот даври якуни бўйича кейинги ойнинг 25-санасига қадар
3-босқич	Рақамли технологиялар вазирлиги	Рейтинг натижалари ва бошқа таҳлилий материалларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш	Ҳисобот даври якуни бўйича кейинги ойнинг 30-санасига қадар

Манба: Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 июндаги 373-сон қарорига 1-илова «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҷаллий ижро этувчи ҳокимият органларида рақамли трансформация ҳамда ҳудудларда рақамли иқтисодиёт ҳолатини рейтинг баҳолаш тартиби тўғрисида» ги Низом

- ҳисобот йилида икки марта «қизил» деб топилган ташкилотлар раҳбарлари ва уларнинг рақамлаштириш бўйича ўринбосарларига қонунчиликда белгиланган тартибда жарима қўлланилади ёки жарима қўллаш ҳақида тақлиф киритилади. Рейтинг баҳолаш натижалари бўйича ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш самарадорлиги даражаси «яшил» деб топилган ташкилотларнинг ижобий тажрибасини бошқа ташкилотлар ўртасида оммалаштириш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўрилади.

**Юқоридагиларга асосланган ҳолда давлатимиз раҳбари Ш. Мирзиёв таъкидлаганидек, «Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади» [22].**

**Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёвнинг 2021-йилнинг 17-февралдаги «Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чорататбирлари тўғрисида» [23] ги қарорининг қабул қилиниши мамлакатимизда сунъий интеллект технологияларини иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига жорий этиш учун зарур шарт-шароитларни шакллантириш учун муҳим қадам бўлди. Мазкур қарорга мувофиқ, «Сунъий интеллектни жорий қилишнинг муҳим жиҳатлари — ҳуқуқий режим, институцион асослар, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, халқаро ҳамда миллий стандартлар, сунъий интеллект жорий қилинадиган устувор соҳа ва тармоқлар, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари қамраб олинган» [24].**

Ўзбекистонда “Рақамли Ўзбекистон-2030” дастурини ишлаб чиқилиши ва ҳаётга татбиқ этилиши, энг аввало, пухта ва мукаммал ташкилий-ҳуқуқий механизмларни шакллантириш, қолаверса, инновацион ғоялар, технологиялар ва ишланмаларни жорий этиш бўйича давлат органлари ва кичик бизнес субъектларининг узвий ҳамкорлигини таъминлаш, барча соҳа ва тармоқларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни рақамли технологиялар билан қамраб олиш, бу борада замонавий билимларни чуқур эгаллаган, интеллектуал салоҳиятли кадрларни етиштириш, шу орқали, мамлакатда “хавфсиз ахборотлашган жамият” муҳитини яратишга хизмат қиласди.

Мамлакатимизда кичик бизнес субъектлари фаолиятини рақамлаштиришни таъминлаш бўйича олиб борилаётган тизимили ва фундаментал ёндашув, ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини ишлаб чиқиш, илғор хорижий тажрибани амалиётга жорий этиш, инновацион усувлардан кенг фойдаланиш давлат ахборот сиёсатини самарали олиб боришга ҳамда кичик бизнес субъектлари фаолиятини рақамлаштириш соҳасидаги муаммоларни ҳал этишга ҳизмат қиласди.

### **Хулоса ва таклифлар:**

Миллий иқтисодиётимизда кичик бизнес субъектларинг рақамли технологиялардан фойдаланишни таъминлаш борасида амалга оширилган илмий изланишлар жараёнида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Бизнинг фикримизча, киберфазо ва рақамли муҳитни тартибга солиш масалалари ҳали ҳам кам ўрганилган ва мунозарали бўлиб қолмоқда. Илмий соҳада алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар, саноат ва ҳудудларнинг инновацион ўсишига эришиш учун компанияларнинг рақамли салоҳиятини ривожлантиришга етарлича эътибор берилмайди. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг институционал жиҳатлари илмий изланишларда эътиборисиз қолмоқда, муаммолар ҳал қилинмаган ва иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида кичик бизнесни ривожлантириш истиқболлари баҳоланмаган, рақамли иқтисодиётнинг роли ва ўрни, замонавий иқтисодий муносабатларнинг умумий тизими ўз аксини топмаган.

2. Рақамли экотизимлар табиий тизимлардан фарқли ўлароқ сунъийдир ва рақамли технологиялар ташқи муҳитининг ноаниклиги ва ўзгарувчанлиги шароитида уларнинг ривожланишининг ўзига хос “акселатор” вазифасини бажаради. Бу ҳар қандай кичик бизнес субъектлари фаолиятининг ҳажмидан қатъий назар, бошқа нарсалар қатори фаолиятга рақамли технологиялар зарурлигига олиб келадиган ташқи омиллар таъсири остида ишлайди деган хulosани шакллантиради. Рақамли бизнеснинг бутун экотизими бизнес субъектларининг ўзига хос тизими IT-технологияларни ривожлантириш, ушбу технологиялар тўғрисида маълумотни кичик бизнес субъектларига тўғридан-тўғри етказиш тартибини амалга ошириш самарадорлигини оширади ва корхонанинг комплекс ривожланишини таъминлайди.

3. Кичик бизнес субъектлари фаолиятида рақамли технологиялардан фойдаланиш фақат технологик, молиявий характердаги қарорларни қабул қилиш, ходимларнинг рақамлаштиришни жорий этишга тайёргарлик даражасини баҳолаш зарурлигини келтириб чиқаради. Шу билан бирга, рақамли технологиялар ва маълумотларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишни бошқариш учун ташкилий маданиятга киритилган нормаларнинг изчил рўйхатини ишлаб чиқишга қаратилган масалалар ҳал қилиниши керак.

4. Мамлакатимизда кичик бизнес субъектлари фаолиятини рақамлаштиришни таъминлаш бўйича олиб борилаётган тизимли ва фундаментал ёндашув, ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини ишлаб чиқиш, илфор хорижий тажрибани амалиётга жорий этиш, инновацион усуллардан кенг фойдаланиш давлат ахборот сиёсатини самарали олиб боришга ҳамда кичик бизнес субъектлари фаолиятини рақамлаштириш соҳасидаги муаммоларни ҳал этишга ҳизмат қиласди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <https://datareportal.com/global-digital-overview#: DIGITAL AROUND THE WORLD>.
2. <https://www.statista.com/statistics/268938/global-it-spending-by-segment/> Global IT spending forecast 2012-2024.
3. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-son «2022-2026-yillarga mo’ljallangan Yangi O’zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to’g’risida» gi Farmoni
4. Н.Негропонтэ Being Digital (фундаментальная статья Николоса Негропонтэ по цифровой экономике за 1995 год, часть 2. <https://habr.com/ru/company/philtch/blog/354418/>)
5. Доклад Всемирного банка «Цифровые дивиденты». <http://www.inesnet.ru/2016/01/opublikovan-doklad-vsemirnogo-banka-cifrovye-dividendy/>
6. Кириллов П. Цифровая платформа для интернета вещей: универсальный продукт для умных производств, городов, зданий // Бизнес Территория. – 2018. – № 1. – с. 35-36.
7. Уткина В.А., Емшанова Е.В. Основные проблемы развития интернета и онлайн-торговли в России// Молодой ученый. – 2016. – № 11(115). – с. 1031-1033.
8. <https://lex.uz/docs/5841063> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 й. ПФ-60.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026

йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси” тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони. <http://lex.uz>

10. <https://lex.uz/docs/4800657> Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 28.04.2020 й. ПҚ-4699.

11. <https://lex.uz/docs/4800657> Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 28.04.2020 й. ПҚ-4699.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси” тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони. <http://lex.uz>

13. <https://lex.uz/docs/5030957> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 05.10.2020 й ПФ-6079-сон.

14. <https://www.morganstanley.com/>

15. <https://lex.uz/docs/2006789> Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 02.05.2012 йилдаги ЎРҚ-328-сон.

16. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида» Қонуни. Тошкент ш., 2012 йил 2 май, ЎРҚ-328-сон.

17. <https://lex.uz/docs/5841063> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 й. ПФ-60.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 05 октябрдаги «Рақамли ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида ПФ-6079 сонли Фармони.

19. <https://lex.uz/ru/docs/5458249> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 15.06.2021 й. 373-сон

20. Муаллиф ишланмаси

21. <https://lex.uz/ru/docs/5458249> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 15.06.2021 й. 373-сон

22. <https://yuz.uz/news/raqaml-iqtisodiyot-taraqqiyot-sari-qisqa-yol>

23. <https://lex.uz/docs/5297046> Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 17.02.2021 й. ПҚ-4996.

24. <https://uzlidep.uz/news-of-party/11083>



**РАҚАМЛИ ИҚТІСОДИЁТ ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**  
**DIGITAL ECONOMY AND INFORMATION TECHNOLOGY**  
**ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА И ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ**

Электрон илмий журнал | Electronic scientific journal

*Muharrirlar:*  
Yaxshiyev H.T.  
Matxo'jayev A.O.

*Musahhih:*  
Matxo'jayev A.O.

*Tehnik muharrir:*  
Mirzayev J.O.

Litsenziya № 2537 08.02.2022 y. Bosishga ruxsat etildi 19.10.2023.  
Qog'oz bichimi 60x84 1/8. Shartli bosma tabog'i 19,9. Raqamli bosma.  
Adadi 50 nusxa. №16/10-2023 - sonli buyurtma.

“Zarafshon Foto” MCHJning matbaa bo‘limida chop etildi.  
100164, Toshkent sh., Mirzo Ulug‘bek tumani, Shahriobod ko'chasi, 3-uy.

CONFERENCE "GLOBAL  
AND NATIONAL ECONOMIC  
TRENDS"  
19-20 OCTOBER

# 1st DIRECTION: TRENDS AND PROSPECTIVE DIRECTIONS OF GLOBAL ECONOMIC DEVELOPMENT.

CONFERENCE "GLOBAL  
AND NATIONAL ECONOMIC

# TRENDS"

CONFERENCE  
DEVELOPMENT STRATEGY:  
NATIONAL ECONOMIC TRENDS

"IFRS"  
НОМЛИ  
КОНФЕРЕНЦИЯ

PARALLEL CONFERENCES  
"NEW2AN, ICFNDS  
AND ICDSIS"



TASHKENT  
STATE  
UNIVERSITY OF  
ECONOMICS

- Conditions for improvement of the business environment
- Corporate Accounting and Reporting
- Institutional problems of the business environment
- Training personnel for the business environment
- Business environment and digital technologies
- Digital technologies in the business environment



+998 71 239-28-94



<http://dgeconomy.tsue.uz/>



dgeconomy\_tdiu@mail.ru, dgeconomy@tsue.uz



100066, Toshkent shahri, Islom Karimov ko'chasi, 49-uy.

ФОРУМ

- Gender Equality
- Industry 4.0
- Sustainable Agricultural Development

- Digitalization
- Green economy
- Environmental protection
- Artificial intelligence
- Digital technologies in the business environment